

«Gidromaxsusqurilish» акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлисининг
БАЁННОМАСИ № 6

Мажлис ўтказилган:

Жой -Тошкент шаҳри,Истиклол кўчаси, 6-уй.
Кун -« 28 » июнь 2017 йил
Вақт -бошланди: соат 17:00 да
-тугади: соат 18:00 да.

Мажлисада иштирок этганлар:

Кузатув кенгаши аъзоларидан: Ф.А.Абдувалиева, А.В.Ивашкин, Р.К.Назаров,
Г.Б.Ибрагимова, Ш.А.Хайитимбетов

Таклиф этилганлар: Қ.Фатиллаев

-Йиғилиш раиси: - Ф.А.Абдувалиева

-Мажлис котиби: – Г.Б.Ибрагимова

Мажлис котиби Г.Б.Ибрагимова сўзга чиқиб куйидагиларни маълум қилди:

Мазкур Кузатув кенгаши мажлиси Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 78-моддасига, жамият уставига ҳамда «Gidromaxsusqurilish» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомига асосан жамият акциядорининг ташаббусига кўра чақирилган;

Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилаётганлиги ва мажлис кун тартиби тўғрисида Кузатув кенгашининг барча аъзолари хабардор қилинган;

Кузатув кенгашининг барча аъзолари кун тартибига киритилган масалаларга доир маълумотлар ва ҳужжатлар билан таништирилган;

Ушбу кунги мажлисда Кузатув кенгашининг 5 та аъзосидан 5 таси ёки 100 фоизи иштирок этаётганлиги ва Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 78-моддасига ҳамда жамият уставига асосан Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум етарли ҳисобланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Gidromaxsusqurilish» акциядорлик жамияти бош директори вазифасини бажарувчини тайинлаш.

2. «Ўзбекэнерго» АЖнинг 23.06.2017 йилдаги ШШ-01-21/4542-сонли хатини ҳамда «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг 16.06.2017 йилдаги АС-01/0976-сонли хатини кўриб чиқиш.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда «Гидромахсуқурилиш» АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Т.В.Павлухина эгаллаб турган вазифасидан ўз хоҳишига кўра озод этишни сўраб мурожаат қилган.

Шунингдек, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 28.06.2017 йил куни 204 ва 205-сонли кўрсатма берилган бўлиб, унга кўра Т.В.Павлухинани эгаллаб турган вазифасидан озод этиш ҳамда Фатиллаев Қахрамон Шароповичнинг номзодини жамият бош директори вазифасини бажарувчи этиб сайлаш лозим.

Жамият кузатув кенгаши раиси Ф.А.Абдувалиева ўз сўзини давом эттириб, жамиятда қарийб бир йилдан бери бош директори тайинланмаганлигини инobatга олиб «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан «Гидромахсуқурилиш» АЖ бош директори лавозимига киритилган Фатиллаев Қахрамон Шароповичнинг номзодини жамият бош директори вазифасини бажарувчи этиб сайлаш бўйича қўл кўтариб овоз бериш таклифини киритди.

Мазкур таклиф мажлис иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб қувватланди.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овоз бериш бериш натижалари ва мажлис қарори кўйидагича:

Ёқлаб	100 %	5 та	Кузатув кенгаши аъзоси
Қарши	0 %	0 та	Кузатув кенгаши аъзоси
Бетараф	0 %	0 та	Кузатув кенгаши аъзоси

1. «Гидромахсуқурилиш» АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Т.В.Павлухина эгаллаб турган вазифасидан ўз хоҳишига кўра озод этишни сўраб ёзган аризаси ҳамда «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг 28.06.2017 йилдаги 204 ва 205-сонли кўрсатмалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. «Гидромахсуқурилиш» акциядорлик жамияти бош директори вазифасини вазифасини бажарувчи этиб Фатиллаев Қахрамон Шаропович тайинлансин.

3. «Гидромахсуқурилиш» АЖ бош директори в.б. Қ.Фатиллаев жамиятнинг молиявий иқтисодий ҳолатини ва хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиласин ва амалга оширилишини таъминласин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан, жамият кузатув кенгаши раиси Ф.А.Абдувалиева сўзга чиқиб, «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти 2017 йил 16 июнь куни АС-01/0976-сонли хат билан «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Гидромахсускурилиш» АЖ кузатув кенгашига мурожаат қилиб қуйидагиларни маълум қилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ««Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5044-сонли фармонида 4-бандига асосан ташкил этилаётган «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг дастлабки устав капитали гидроэнергетика энергия ҳосил қилувчи корхоналарининг давлат улуши номинал қиймат бўйича берилиши, шунингдек, «Гидролойиха» АЖ, «Гидромахсускурилиш» АЖ, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ ва «Сувсаноатмаш» АЖнинг устав капиталидаги акцияларнинг давлат пакетлари ҳисобига шакллантирилади.

Бугунги кунда «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг дастлабки устав капиталини шакллантириш бўйича Давлат рақобат кўмитаси билан биргаликда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунинг 58-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номи қайд этилган Фармони ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Сиздан «Гидромахсускурилиш» АЖ, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖларининг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссияси аъзоллигига «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан иловага мувофиқ киритилаётган номзодларни сайлашингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунинг 63-моддасига асосан акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Лекин, «Гидромахсускурилиш» АЖ йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги эълон уч кунлик муддатдан ўтиб кетганлиги сабабли янги номзодларни киритиш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан киритилган номзодларни жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур таклиф мажлис иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб қувватланди.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овоз бериш бериш натижалари ва мажлис қарори қўйидагича:

Ёқлаб	100 %	5 та	Кузатув кенгаши аъзоси
Қарши	0 %	0 та	Кузатув кенгаши аъзоси
Бетараф	0 %	0 та	Кузатув кенгаши аъзоси

1. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан киритилган номзодлар жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Йиғилиш раиси:



Ф.А.Абдувалиева


Котиб:



Г.Б.Ибрагимова

Кузатув кенгаши аъзолари

А.В.Ивашкин



Р.К.Назаров

Ш.А.Хайитимбетов

